

---

## "МАҲАЛЛАМИЗДА ҲАР КУНИ ТАДБИР"

### "МАҲАЛЛАМИЗДА ҲАР КУНИ ТАДБИР"

Сарибозорча маҳалла фуқаролар йиғинига йўлингиз тушса, ёшлар иштирокидаги турли тадбирлар устидан чиқасиз ва бунда албатта маҳаллага тайинланган ёшлар етакчисининг ҳиссаси бор. Бунинг учун маҳалла ёшлари етакчидан миннатдор ва ташкилланаётган ҳар бир тадбирдаги фаоллик юқоридаги фикрларимиз исботидир.

- Маҳалламиздаги ташкил этилган сунъий қопламали майдонда мини-футбол бўйича мусобақаларга старт берилди. Бу мусобақаларда маҳалламиз ёшлари, айниқса, уюлмаган ёшлар ўзлари жамоа ташкил этиб, иштирок этапти. Мақсадимиз озгина бўлса ҳам, ёшларимизнинг маданий дам олиши ва уларнинг бўш вақтини мазмунлироқ ўтказишига кўмаклашиш. Ҳали олдимизда ниятларимиз кўп ва бу ниятларни маҳалламиз ёшлари билан биргаликда амалга оширамиз, - дейди маҳалланинг ёшлар етакчиси Муҳиб Азамжонов.

Сўх тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати

2022-02-04 17:15:41